

УЎТ 336:330

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УСТАВ КАПИТАЛИДАГИ ДАВЛАТ УЛУШИННИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

**Маматов Баҳромжон Шавкат ўғли** – и.ф.ф.д. (PhD), катта ўқитувчи. E-mail: [mamatov\\_bahrom@mail.ru](mailto:mamatov_bahrom@mail.ru) Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси. Тошкент ш. Ўзбекистон.

*Уибу мақолада хусусий ва давлат иштирокидаги тижорат банкларида активлар ва капитал самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили келтирилган. Давлат улуши ва молиявий самарадорлик кўрсаткичлари ўзаро таъсири ўрганилган. Банк тизимига хусусий капитал жалб қилиши орқали самарадорликни ошириш йўллари тўгрисида илмий холосалар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** давлат улуши, капитал самарадорлиги, активлар самарадорлиги, инвестициявий жозибадорлик.

*This article presents an analysis of the performance indicators of assets and capital in private and public commercial banks. The interaction of the state share and indicators of financial efficiency has been studied. Scientific conclusions are presented on ways to increase efficiency by attracting private capital to the banking system.*

**Key words:** state share, capital productivity, asset efficiency, investment attractiveness.

**Кириш.** Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси унда яратилган инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқdir. Инвестиция муҳитининг қулайлиги инвестиция фаолиятининг ривожланиши, ички ва ташки инвестицияларни жалб қилишнинг кўлами, йўналишлари ва самарадорлигига таъсир қиласи. Шунинг учун, юқори инвестиция жалб қилиш меъёрига эга бўлган мамлакатлар, бошқа шарт-шароитлар бир хиллиги ҳолда, одатда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлмоқдалар.

Хусусий секторнинг мавжуд бўлиши бозорда молиявий рағбат учун рақобат шаклланишини таъминласа, давлат сектори кўпчилик ҳолларда иқтисодий мақсадларга эришишни ўзининг бош мақсади сифатида кўрмайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсақ, давлат сектори ишлаб чиқаришни максимал даражада ошириш ва ресурсларни самарали тарзда тақсимлаш учун етарли даражадаги юқори мотивация эга бўлмайди, бу эса ҳукуматнинг кўп харажатли, кам даромадли корхоналарни бошқаришга сабаб бўлади. Хусусийлаштириш тўғридан-тўғри иқтисодий мақсадларнинг сиёсий мақсадлардан устун бўлишига йўналтирилади, бу бозор иқтисодиётини ривожлантиришга олиб келади. Хусусийлаштириш орқали ҳукуматнинг иқтисодиётдаги ўрни қисқаради, шунинг учун ҳукуматнинг иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли камроқ бўлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш давлатга иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш имконини берадиган иқтисодий механизмлардир. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий омили мулкни бошқариш самарадорлиги ҳисобланади.

Давлат улуши мавжуд корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилиш муваффақиятида инвестицияларидан олинадиган қайтим (даромад) даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агар самара олинмаса инвестициялашга рағбат ҳам бўлмайди. Шунинг учун, хусусийлаштирилаётган корхоналарда самарадорлик кўрсаткичларини таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалада республика акциядорлик жамиятлари имкониятларини кўриш учун нисбатан муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва инвестицион жозибадорлиги бу маънода анча юқори бўлиши мумкин бўлган республикамиз хусусий ва давлат иштирокидаги тижорат банкларида активлар ва капитал самарадорлиги кўрсаткичлари ҳолати тахлиллари келтирилган.

**Адабиётлар шарҳи.** Жаҳон амалиётида, иқтисодиётнинг истиқболли ва юқори технологияларга асосланган тармоқларидаги давлат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда жаҳон инвестициялар

бозорларига кучли интеграциялашувни таминлаш, хорижий инвестицион банклар ва фондлар билан инвестициявий йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ҳалқаро фонд бозорларидан мамлакатга портфель инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш муаммолари ва давлат активларини тўғридан-тўғри хорижий инвесторларга сотиш афзаликлари белгилаб берилган.

Эллиот ва Склар томонидан нашр этилган илмий ишларда, хусусий корхоналар давлат корхоналарига қараганда самаралироқ, чунки хўжалик юритиши жиҳатидан тежамли, меҳнат унумдорлиги юқори ва қонунчилик чекловлари кам бўлади деган назария илгари сурилган. Хусусийлаштириш тарафдори бўлган Савас хусусийлаштиришнинг турли хил усулларидан тўғри фойдаланишни намойиш этувчи хусусийлаштириш назарияси, амалиётини ва хизматларни алтернатив равишда тақдим этиш механизмларини тавсифлайди [1].

Бозор иқтисодиётидаги давлатнинг институционал ёндошувдаги ролини ўрганишда Ж.Стиглицнинг хизматлари катта аҳамиятга эга бўлиб, унда «бозор камчиликлари»ни аниқлаган иқтисодиётнинг давлатдаги тутиш мотивлари ўрганилган [3].

Марказий Осиё мамлакатлари орасида давлат корхоналари орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш Тожикистонлик олим Р.Б. Бердиев томонидан ўрганилган бўлиб, Р.Б. Бердиев фонд бозорлари ривожланмаганлигини давлат улуши мавжуд корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилишда асосий тўскинлик қилувчи фактор сифатида кўради [4].


Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий қилишда юзага келаётган муаммолар юзасидан илмий изланишлар олиб борган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Активлар рентабеллиги корпорация фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи асосий қўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Давр учун активлар рентабеллигини (*Return on assets – ROA*) куйидаги формула билан ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\text{РОА} = \Pi / A,$$

бу ерда:  $\Pi$  – давр учун фойда;  $A$  – давр учун активлар ўртача қўрсаткичи.

Республиканинг энг йирик тижорат банкларида активлар рентабеллиги юқори бўлмагани кўриши мумкин (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг 2016-2020 йилларда активлари ўртача рентабеллик қўрсаткичлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган)


Ориент финанс банк, Давр банк, Траст банк, Ҳамкорбанклар каби хусусий банкларда активлар рентабеллиги юқорироқ, Ипотека банк, Миллий банк, Қишлоқ қурилиш банк, Асака банклар каби устав капиталида давлат улуши юқори бўлган банкларда эса пастроқ бўлганини кўриш мумкин. Масалан, охирги 2019 йилда Трастбанкда активлар рентабеллиги 5,9% бўлганида, Асака банкда атиги 0,3% бўлган, яъни 20 баробар паст бўлган. Охирги 5 йиллик маълумотлар бўйича ўртачалаштирилганда ҳам хусусий банкларнинг устунлигини кўриш мумкин.

Ушбу ҳолат хусусий банкларда активлардан фойдаланиш самарадорлиги давлат улуши юқори банклардагига нисбатан анча юқори бўлганлигини билдиради.

Потенциал инвесторни корпорация ўзлик капиталига киритган инвестицияларнинг самарадорлиги қизиқтириб, ушбу масалада капитал рентабеллиги (Return on equity, POE) янада аникроқ ахборот беради. Капитал рентабеллиги акциядорлар киритган капиталдан соғфойда олиш учун қанчалик самараали фойдаланилганликни кўрсатади:


$$\text{POE} = \text{Соф фойда} / \text{ўртача йиллик акциядорлик капитали} * 100\% [6]$$

Капитали рентабеллиги – активлар рентабеллигидан фарқли равища, ташкилотнинг жами капитали (ёки активи) эмас, балки корхона мулқорларига тегишили бўлган қисмидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткич бўйича танланган банклар ва даврда ҳам хусусий банкларнинг сезиларли устунлигини кўриш мумкин (2-расм).



2-расм. Тижорат банкларининг 2016-2020 йилларда капитали ўртача рентабеллиги  
(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган)

Потенциал инвесторни банк акцияларини сотиб олишга сарфлаган маблағи эвазига оладиган даромади(дивиденди)нинг кам деганда инфляция даражасидан ёки минимал шаклланган молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаслиги қизиқтиради. Акс ҳолда инвестор ўз сармоясини банк устав капиталига киритмасдан, риск даражаси камроқ бўлган банк депозитларига қўйишдан манфаатдор бўлади. Капитал рентабеллигини таҳлил қилинганда ҳам инвесторнинг инвестицияларидан кутилган даромадлилик даражаси хусусий банкларда қониқарли бўлганини, ва давлат улуши юқори бўлган банкларда эса капитал даромадлилиги минимал даражада ҳам инфляцион йўқотишларни қоплаб бермаслигини кўриш мумкин.



3 -расм. Тижорат банкларининг 2016-2020 йилларда ўртача капитал рентабеллиги кўрсаткичининг банклар устав фондидаги давлат улуши катталигига тескари корреляцияси  
(Муаллиф ишланмаси)

Корреляцион таҳлил шуни кўрсатадики, тижорат банки устав фондида давлат улуши қанча катта бўлса унинг рентабеллик кўрсаткичлари ҳам шунчалик паст бўлар экан (3-расм).

Хусусан, банклардаги устав фондидаги давлат улуши билан улар капитали рентабеллиги ўртасида корреляция коэффициенти -0,9238 га teng бўлди. Яъни, рентабеллик давлат улушига тескари пропорционал бўлган экан. Ушбудан хулоса қилиш мумкинки, агар тижорат банклари устав фондида давлат улушини қисқартирасак ва уни хусусий, шу жумладан хорижий инвесторларига берсак Республика банк секторида капитал рентабеллигининг сезиларли ўсишини кутиш мумкин экан.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, тижорат банкларида хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш, банк капиталини оширишга акциялар дивидендига қизиқадиган хорижий портфель инвесторларни жалб қилиш учун, аввал тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичларини кўтариш керак. Давлат улуши юқори бўлган банклардаги мавжуд менежментдан ушбу вазифанинг бажарилишини кутиш қийин. Шунинг учун, ушбу ҳолда ҳам банклар устидан самарали ташки бошқарувни ташкиллаштириш учун хусусийлаштирилиши лозим бўлган банклардаги давлат акциялар пакети халқаро молия институтларига ишончли бошқарувга берилиши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Халқаро молия институтлари зиммасига тижорат банки капитал рентабеллигининг кўтарилиши масъулияти юкланиши учун унга корпоратив бошқарув усуслари доирасида кенг ваколатлар берилиши лозим. Бундай ёндашув давлат улуши юқори бўлган корхоналарга ҳам кўлланилиши мумкин. Уларнинг хорижий инвесторлар назарида инвестицион жозибадорлигининг ошишига сабабчи бўлиши мумкин экан.

## АДАБИЁТЛАР

1. Sclar, Elliot, 2000. Вы не всегда получаете то, за что платите: экономика приватизации. Ithaca, Нью-Йорк: Издательство Корнелльского университета.
2. Savas, ES 1987. Приватизация: ключ к лучшему правительству . Чатем, штат Нью-Джерси: Чатем Хаус.
3. Андрефф В. Российская приватизация: подходы и последствия. Вопросы экономики № 6, 2004; Россия – 2015 / Под ред. акад. Л.И. Абалкина. М.: ММВБ, 2000; Сажина М.А. Научные основы экономической политики государства: Учебник. М.: НОРМА, 2001;
4. Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций (на материалах Республики Таджикистан): дис. – Таджикский государственный аграрный университет, 2006. - С. 135.
5. С.Э. Элмирзаев, Б.Ш. Маматов Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув - Иқтисодиёт ва таълим №1. 2020;
6. Mikhail Khamidulin, Dilfuza Rakhimova, Shakhlo Abdullaeva, Muyassarhon Ganieva, and Bahramjon Mamatov. Successful privatization of state property: factors and their impact on efficiency.